

# **ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**



*Республика илмий-назарий анжумани  
материаллари*

**XVI  
Бухоро – 2023**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ**


**«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР»  
кафедраси**

**«ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА  
МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ»**

**мавзусидаги республика илмий-назарий  
анжумани материаллари**

**XVI**

**Бухоро – 2023**



**ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ОМИЛИ**

Алимова М.М.....	46 бет
<b>MARKAZIY OSIY Yo MUTAFAKKIRLARI ILMUY MEROSIDAN SAMARALI FOYDALANISHUSULLARI (ABU ALI IBN SINO MISOLIDA)</b>	
Nurova S. N.....	48 бет
<b>ИНСОН КАМОЛОТИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ</b>	
Шодиев Ж. Ж.....	50 бет
<b>ИНСОН ЕР ВА КОИНОТНИНГ ЭНГ УЛУФ ҚАДРИЯТИ.</b>	
Каримов Б.Х.....	51 бет
<b>BUXORO BUYUK IPAk YO`LIDAGI SHAHAR.</b>	
Hayitov J.Sh, Gulyamov A.A.....	53 бет
<b>BUYUK SOHIBQIRON AMIR TEMURNING HARBIY JANGOVOR MAHORATI</b>	
Sh. Alimova .....	56 бет
<b>TARIX FANINI O`QITISHDA AJDODLAR MEROSIDAN FOYDALANISH AHAMIYATI</b>	
Oripova M. Q.....	57 бет
<b>ИНСОН КАМОЛОТИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ</b>	
Шодиев Ж. Ж.....	59 бет
<b>МИРЗО СОМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИГА ОИД</b>	
Каландарова Ф. А.....	60 бет
<b>Рудакий қараашларида инсоний фазилат.</b>	
A.А.Азимов.....	62 бет
<b>КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	
Л.С.Султанова.....	64 бет
<b>ВКЛАД АКАДЕМИКА МУСАЕВА ДЖ.А. В РАЗВИТИЕ НАУКИ.</b>	
Исаева Р.А .....	65 бет
<b>KIMYO TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATION TA'LIM TEXNOLOGIYALA- RNING ROLI</b>	
Karimova Z.....	67 бет
<b>KIMYO FANINI O'RGANISH JARAYONIDA TALABALAR MA'NAVIYATINI SHAKLLAN- TIRISH MASALALARI</b>	
Jo 'raeva L.....	69 бет
<b>IBN SINO IJODI-MA'NAVIYAT SARCHASHMASI SIFATIDA</b>	
Nurova S. N.....	71 бет
<b>“ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНФИТИЯ” МИРЗО СОМИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ҮРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА</b>	
Каландарова Ф. А.....	73 бет
<b>ТИББИЁТ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ</b>	
Умуррова Н.....	75 бет
<b>Tarix darslarida o'zbek davlatchiligi tarixini o'rgatish: muammo va yechimlar</b>	
Haydarov Y. H, Abdullayeva M.....	77 бет
<b>Хайрия инсоний фазилат.</b>	
A.А.Азимов.....	80 бет
<b>ABDURAUF FITRAT - MA'RIFATPARVAR ADIB</b>	
Oripova M.Q.....	82 бет
<b>KUCHLI DAVLATDAN-KUCHLI FUQAROLIK JAMIYATI SARI</b>	
Adizova N.....	84 бет
<b>ABU ALI IBN SINONING ANTROPOLOGIK VA GNOSEOLOGIK QARASHLARI</b>	
Nurova S.N.....	86 бет
<b>О РЕПРЕССИЯХ 1920-30 ГОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ.</b>	
M.М.Алимова.....	87 бет
<b>ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b>	
Бобокулова М. Ф.....	89 бет

## **ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**

иқтидорли болалар ва қобилиятли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-кувватлаш, минтақавий меҳнат бозорларининг малакали кадрларга бўлган талабларини қондириш ва замонавий узлуксиз таълим тизимини шакллантириш каби вазифалар белгиланган”<sup>1</sup>.

Таълим инсон тараққиётининг энг муҳим омили сифатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва гуманитар муаммолар бутун мажмусини ҳал этишга катта таъсир кўрсатиши исботланган. Улар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳар бир мамлакатда ҳозирги давр учун муносиб аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таъминлаш;
- иш билан самарали бандликни таъминлаш;
- барқарор ривожланишни таъминлаш;
- ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш;
- фуқаролик жамияти таркибини мустаҳкамлаш;
- инсон хуқуqlariga riоя этиш ва уларни самарали амалга ошириш;
- шахснинг имкониятларини тўла ва ҳар тарафлама амалга ошириш учун шартшароитларни яратиши.

Ўзбекистонда таълимга жамиятни ислоҳ этиш ва янгилаш сиёсатини амалга оширишнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Таълим мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашнинг мажбурий шарти деб ҳисобланади.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак мањнавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ жараёндир.

Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ташаббускор, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали ёш интелектуал мулк соҳибларини тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни эгаллаш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжимизга айланмоғи керак. Юртимизда келажак эгалари бўлмиш ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиасини ошириш учун аввало замонавий билимлар билан қуроллантиришимиз керак. Шарқ донишманлари айтганидек, “Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир!”<sup>2</sup>.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгаририш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжимизга айланиши керак.

### **МИРЗО СОМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИГА ОИД**

**Каландарова Ферангиз Азаматовна  
Бухоро давлат университети, Юриспруденция  
ва ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси.**

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний(1838-1907) бухоролик тарихчи, шоир ва хаттот бўлиб, XIX аср охири XX бошида амирлик саройида мирзолик лавозимида фаолият кўрсатган. Умрининг сўнгги йилларини саройдан ташқарида, яъни сарой хизматидан бўшаган ҳолда олиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://aza.uz>

<sup>2</sup> Dewey J. How we think. Lexington, MA, US: DC Heath. – 1910.

## ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

борган бўлсада, унинг асарлари амирлик ва унинг тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳолатини ўрганишда бирламчи манба бўлиб хизмат қиласи. Унинг анча йиллар амир Музаффар(1860-1885) ва қисман амир Абдулаҳад(1885-1910) саройдаги мирзолик фаолияти, унинг ижод намуналарини фактик материалларга бой ва ишончли бўлишига хизмат қиласи. Бухоронинг айни шу даврдаги тарихига оид маълумотлар, унинг ижодини безаб турган бир қанча тарихий асарларнинг асосий мавзуси бўлиб ҳисобланади.

Сомийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари унинг асарлари, шеърлари ва шахсий архивида сакланувчи ҳисботлари, шунингдек ёзишмаларида ўз аксини топган. Бундан ташқарари у билан замондош бўлган шоирлар ва тарихчилар ўз асарларида Сомийнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий қарашларига оид малумотларни ёзиб, унинг шеърлардан мисоллар келтиришган.

Сомий ижодига мансуб бир қанча шеърлар мавжудки, улар нафақат шеърият намунаси, балки тарихни ўрганиш манбаси бўлиб ҳам хизмат қиласи. Уларда муаллифнинг давр ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид фикрларини баён этилган. Уларда амирлик ва унинг давлат бошқаруви, амалдорлар, сохта диний уламоларнинг фаолиятлари ошкора танқид қилинган.

Сомий ўз шеърларида ижтимоий, майший, ахлоқий муаммоларни кўтариб, ўз замонасининг нобакорлиги ва адолатсизлигидан қаттиқ ранжиган. Ҳусусан, нокас кимсаларнинг мулкка, яни давлат бошқарувида бошлиқ қилиб қўйилиши, кимки нимадаки ғолиб бўлса, уни амири лашкар, яъни мамлакатдаги улуғ унвонларни берилганидан, суннат ахлидан эътибор кетиб, номақбул ишлар унинг ўрнини эгаллаганидан норози бўлган. Сўфийлар эса кўз бўямачиликда айбланган. Яъни кундузи зикрда бўлсалар-да, кечкурун ўзларига мос бўлмаган ишлар билан шуғулланишгани, олимларнинг эса ичишга берилиб фатвони пулга сотишлари ҳақида ёзади. Шунингдек, ёшлар ва қариялар, сипоҳийлар ва тижоратчиларни танқид қилиб, алдоқчилик ва ўғрилик инсонларнинг одат тусига кирганлигини ёзади ва куйидаги мисраларни келтиради:

Турфа вазъи нобакори карда пайдо рўзгор  
Нокасонро бар сарири мулку сарвар кардаанд

Тийра бахти лозиме фазлу камол афтода аст  
Аблаҳонро комрони мулку кишвар кардаанд

Ҳар ки об аз пас хўрд чун барраҳойи сиё  
Оби ўро бузургон Равшан чу гавҳар кардаанд

Бар мазоҳ ҳар ки ғолиб шуд харораб бегумон  
Соҳиби ақди мамлакат бо амир лашкар кардаанд

Еътибор аз аҳли суннат рафта ҳоло рафзиён  
Ошкоро фаҳш-у сабб болойи минбар кардаанд

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Сомий амирликнинг давлат бошқаруви, ҳарбий салоҳияти ва ҳаттоқи диний ишларнинг ахволидан ҳам кўнгли тўлмаган. Мамлакатнинг олдинги куч-кудрати ва файзи ёқолганидан афсусда бўлган.

Сомийнинг ҳаётига оид маълумотлардан маълумки у амир Абдулаҳад саройида ўн ийлча хизмат қилиб, саройдан четлатилади. Бунга сабаб унинг юқоридаги каби шеърларида замона ва унинг салбий аломатлари баён этилганлигидир. Чунки бундай шерълар юқори доира вакиллари қулогига чалинмай қолмаган.

Шундай экан биз тарихни ўрганиш ва тахлил қилиш жараёнида, аждодларимизнинг ижод намуаларидан тўри хулоса чиқарган ҳолда фойдаланишимиз мухим.